

## INTERNSHIP AND TRAINEESHIP IN COURTS - AS AN EXAMPLE OF FOREIGN EXPERIENCE, PROBLEMS AND SUGGESTIONS

Холмуродов Хусан Дониёр ўғли

Тошкент давлат юридик университети

Магиструтура босқичи талабаси

Меҳнат кафедраси катта ўқитувчиси,

PHD М.Раҳимов тақризи остида

E-mail: [terbiyuser@gmail.com](mailto:terbiyuser@gmail.com)

### ABSTRACT

This article discusses the problems of internship and traineeship in the judicial system in Uzbekistan, the issues that need to be regulated, the experience of other law enforcement agencies and foreign countries are discussed with a comparative analysis.

**Key words:** court, internship, traineeship, length of service, salary, trainees, career guide, prosecutor's office.

## СТАЖИРОВКА В СУДАХ - КАК ПРИМЕР ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА, ПРОБЛЕМЫ И ПРЕДЛОЖЕНИЯ

### АННОТАЦИЯ

в данной статье рассматривается в данной статье рассматриваются проблемы стажировки в судебной системе Узбекистана, вопросы которые необходимо урегулировать, рассмотрен опыт других правоохранительных органов и зарубежных стран с сравнительным анализом.

**Ключевые слова:** суд, стажировка, стаж, заработка плата, стажеры, профориентация, прокуратура.

## СУДЛАРДА СТАЖЁРЛИК - ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА МИСОЛИДА, МУАММО ВА ТАКЛИФЛАР

### АННОТАЦИЯ

ушбу мақолада Ўзбекистонда суд-хуқуқ тизимида стажёрликдаги муаммолар, тартибга солиниши лозим бўлган масалалар, бошқа хуқуқни мухофаза қилувчи орган ва хориж тажрибаси қиёсий таҳлил қилинган ҳолда мухокама қилинади.

**Калит сўзлар:** суд, стажёрлик, traineeship, иш стажи, иш ҳақи, иш ўрганувчилар, мансаб йўриқномаси, прокуратура.

Охирги беш йилликда суд-хуқуқ соҳасида жуда кўплаб ижобий ўзгаришлар амалга оширилди, фуқаро ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини такомиллаштириш ва кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар бўйича бир қанча давлат дастурлари ишлаб чиқилди, уларда олдинга аниқ мақсад ва режалар қўйилган ҳолда ислоҳотлар пойдевори яратилди, шу жумладан юртбошимизнинг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4818-сонли қарори қабул қилинган ҳолда одил судловни сифат жиҳатдан такомиллаштиришда соҳани рақамлаштиришни янада кенгайтириш йўлида Олий суд ахборот тизими (EXSUD) ни ўттизга яқин давлат органлари (ИИВ, ФХДЁ, ДСИ, кадастр ва бошқа идоралар) ахборот тизимларига интеграция қилиш, шунингдек бошқа интерактив электрон хизматларни кенгайтириш орқали судлар техник жиҳатдан мисли кўрилмаган даражаларга эришди.

Давлатимиз раҳбари ҳам 2026 йилгача энг аввало эътибор қаратиладиган бешта асосий соҳани санаб ўтиб, ҳар бир соҳага алоҳида тўхталиб, барчаси бўйича олдимизда турган мэрраларни маълум қилди, чунончи суд тизимини ислоҳ қилиш кераклигини таъкидладилар: “Суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди. Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим. Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак! Судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлиши учун барча зарур шароитлар яратилади. Қанчалик қийин бўлмасин, суд тизимидағи ислоҳотларимизни албатта давом эттирамиз”, - деди давлатимиз раҳбари. Шу ўринда, хорижий тажрибадан келиб чиқиб суд-хуқуқ соҳасига малакали кадрлар ва ходимларни жалб этиш, айниқса таълим давридан ташқари амалиётчи стажёрлар ва иш ўрганувчилар масаласи бўйича аниқ нормалар ишлаб чиқилган ҳолда ислоҳотлар қилиниши лозим деб ҳисоблайман ва қуида айни шу масала ҳақида сўз кетади.

Барчага маълумки, пойттаҳт ва шаҳар ҳудудларда фаолият юритувчи суд ходимларининг аҳволи ҳавас қиласи даражада эмас, кундан кунга ортиб бораётган аҳолининг кўпайиши ва бошқа омиллар натижасида иш ҳажмининг миқдори судья ва судья ёрдамчиси штатига мутаносиблиги орасида анча фарқ юзага келган. “Юрискадр” каналини юритувчи амалиётчи юрист Саидали Мухторалиевнинг фикри билан айтганда “Ўзбекистон бутун жаҳонда судьялар

сони бўйича энг охирги ўринларда юрадиган аҳволи оғир мамлакатлардан бири ҳисобланади, суд тизимимизга оид муаммонинг бири ҳам аҳоли сонига ва иш хажмига нисбатан судьялар сони тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада камлиги билан боғлиқ”. Оқибатда бир ставка билан, яъни битта судья ёрдамчисининг ўзи ишга иш вақти мобайнида жисмоний жиҳатдан улгуриши нореал даражага етиб келган ва иш вақтидан сўнг ҳам қолиб ишлашга мажбур бўлмоқда, шу боис кўпчилик суд раҳбарлари томонидан ходимларни ярим ставкага ишга қабул қилиш амалиёти оддий ҳолга айланиб қолган.

Ўзбекистонда кўп ҳолларда ушбу ярим ставкага эришишни кутиб ишлаётган ихтиёрий амалиётчилар – “жамоатчилар” ҳам анчани ташкил этади. Кўпинча уларда судда ишлашга ҳақиқатдан ҳам қизиқиш юқори бўлади, чунки деярли барчаси олий ёки бошқа турдаги юридик дипломга эга бўлиб, назарий ва касбий билимларини амалиётнинг “ўчоги” ҳисобланган судда бойитишни зимдан ният қилган бўлишади. Агар кимdir сизга олма қандай таъмга эга эканлиги ҳақида тушунтириб берса, сиз бу ҳақида тасаввурга эга бўлишингиз мумкин, аммо тўлиқ тушуниш учун уни татиб қўришингиз керак. Худди шу нарса таълимга ҳам тегишли. Сизга назарияни китоб ёки ўқитувчи орқали тушунтириб берилиши орқали ҳеч қачон тўлиқ тасаввурга эга бўлолмайсиз токи уни реал ҳаётда кўриб бажармагунингизча. Сиз, айтайлик, тарих ёки ҳукуқ соҳаси бўладими, маълум бир мавзу бўйича дунёнинг энг яхши китобларини ўқишишингиз мумкин, аммо буни ҳаётда бошдан кечириш билан тақослаб бўлмайди ва бу нарса стажёрликнинг аҳамиятини ва иш ўрганишга талабнинг яна бир бор қай даражада эканлигини намоён қиласди. Бироқ судларда иш ўрнининг мавжуд эмаслиги ёки бандлиги мустақил амалиётчиларни “вақтинча ишсиз”ликка маҳкум этади.

Айни шу ўринда хорижда стажёрларнинг аҳволи қандай деган масалага тўхталадиган бўлсак, Буюк Британияда стажёрлар, яъни шогирдлар (уларда “traineeship” деб номланади)нинг ҳукуқ ва мажбуриятлари ходимларники билан деярли тенглаштирилган ва уларнинг оладиган пул миқдори ҳукумат томонидан белгиланади ҳамда бу ёшга ва қанча вақт давомида шогирдлик билан шуғулланаётганига боғлиқ. Агар сиз 16-18 ёшда бўлсангиз, соатига 4,81 фунт стерлинг ишлаб оласиз. Шогирдликнинг биринчи йилида 19 ва ундан катта ёшдагилар ҳам соатига 4,81 фунт стерлинг олади. Аммо бир йилдан кўп ишлаган 18-20 ёшдагилар 6,83 фунт, 21 ва 22 ёшлилар 9,18 фунт, 23 ва ундан катта ёшдагилар эса 9,50 фунт маош олади.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу маош ҳар йили британ ҳукумати томонидан оширилади, шунинг учун сизда ҳар йили қўпроқ даромад олиш имкони бор. Сингапурда ҳам суд соҳасидаги барча стажёрлар давлат хизматлари бўлими

томонидан белгиланган амалдаги ставка бўйича ойлик “стажировка учун нафақа” олиш ҳуқуқига эга. Кўрсатилган ойлик "стажировка нафақаси" микдори стажёр стажировкани ўтаган ойдаги ҳақиқий иш соатлари сонига қараб мутаносиб равишда ҳисобланади. Сингапурда суддаги стажёрнинг ўртача иш ҳақи йилига 24 000 Сингапур долларини ёки соатига 12,31 Сингапур долларини ташкил қиласди. Албатта буларни эшитган бизнинг суд соҳасидаги нафақат стажёрларнинг, балки расмий фаолият юритаётган судья ёрдамчилари, суд девони ва бошқа суд аппарати ходимларининг ҳам ҳаваси, ҳам ҳасади келса ажаб эмас. Агар сиз судда стажёрликни бошласангиз ва сизда бошиданоқ маош олиш имконияти бўлиши шубҳасиз жуда ажойиб. Албатта, бу стажёрликнинг маоши расмий қасбда ишлаётганларнига солиштирганда албатта дабдабали бўлмаслиги мумкин, лекин сиз ўз пулингизни топасиз ва ойнинг боши, ўртаси ёки охирида ҳисобингизга маошингиз тушганлиги тўғрисида телефонингизга смс келиши жуда илиқ туйғудир ва бу ишингизга нисбатан хурмат ва мотивация уйғотиши тайин.

Суд-ҳуқуқ соҳасида иш ўрганувчи стажёрларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчиликда тартибга солиб қўйилмас экан, чинакам юксак кадрларни суд аппаратида сақлаб қолиш борган сари қийинлашиб кетиши турган гап. Бунинг сабаби, дейлик, суд соҳасига иш ўрганиш мақсадида ишлашни бошлаган киши, ҳеч қандай моддий манфаат топа олмас экан, у учун худди бу соҳада келажак йўқдай туюлиши мумкин. Келинг узоққа бормасдан бошқа яна бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланмиш ҳатто прокуратура соҳасини кўриб чиқсан, прокуратурада иш ўрганувчилар алоҳида лавозимга эгалиги янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 56-моддаси 2-хатбошисида бу ўз аксини топган, яъни “Прокуратура органлари ходимлари” деган атама замирида даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган прокуратура органлари ва муассасаларининг барча ходимларини, шунингдек прокуратура иш ўрганувчиларини тушуниш керак.

Бунинг устига суддаги “стажёрлар”нинг иш ўрганиш даври иш стажига ҳам киритилмаслиги энг оғриқли нуқталардан бири ҳисобланади ва пенсия олишни ҳисоблашда стажёрлик даври иш стажига қўшиб ҳисобланмайди, зеро “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунининг 1-моддаси 4-хатбошисида ҳам бу ўз аксини топган “Иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари ушбу Конунга биноан давлат пенсиялари олиш ҳуқуқига эга эмаслар”. Боз устига меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган яна кўплаб ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум бўлишади, бинобарин ходимга етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш, айрим

тоифадаги ходимларга бериладиган қўшимча кафолат ва имтиёзлар, давлат ижтимоий суғуртаси, танаффуслар, дам олиш ва байрам кунлари ҳамда бошқа кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари каби қонун нормалари уларни четлаб ўтади, сабаби оддий стажёрлар ходим эмас ва том маънода аросатда қолиб кетишиган.

Агарда судда муддатли асосда фаолият юритувчи, қонунчиликда белгиланган тартибда ёки тарафларнинг келишуви асосида иш ҳақи тўланадиган иш ўрганувчи штати жорий қилинадиган бўлса, кадрлар захирасини шакллантириш учун ҳам тамал тошлари қўйилган бўларди десак асло муболага бўлмайди, чунки шундагина судья ёрдамчиси бўлиш учун вакант пайдо бўлиши билан, амалда тажрибадан ўтган ва етилган кадр тайёр бўлади. Шу нарсани ҳам айтиб ўтиб кетиши жоизки, суд соҳасидаги стажёрлар турли хил кичик аризалар, даъволар, жиной иш ва хуқуқбузарликлар ва бошқа унча мураккаб бўлмаган ишлар бўйича суд мажлиси муҳокамаларида иштирок этиши мумкинлигини ва суд мажлиси баённомларини юритиши, шунингдек катта билим талаб қилмайдиган бўлимларда ишлаши ҳам мансаб йўриқномаси бўйича хизмат вазифа ва ваколатларига киритилса мақсаддага мувофиқ бўларди.

Хулоса қилиб айтсак, хорижий тажриба мисолида шуни кўриш мумкинки, нафақат ходимларнинг, балки иш ўрганувчи ва стажёрларнинг ҳам хуқуқ ва манфаатларига қаратилган қонун нормаларининг белгилаб қўйилиши фақат ижобий натижага ишлайди, Ўзбекистондаги суд-хуқуқ соҳасидаги моддий-техник ислоҳотлар билан бирга бўлажак кадрлар ва иш ўрганувчилар бўйича ҳам ислоҳотлар қилиниши зарур ва бунда хорижий давлатлар қонунчилигини таҳлил қилиш қилиш, шунингдек прокуратура соҳасидаги каби судда ҳам иш ўрганувчиларга оид лавозимларни жорий қилиб, уларнинг хизмат вазифа ва ваколатларини қонун нормаларда аниқ ва равшан акс эттириш айни муддаодир, жумладан, меҳнат қонунчилигидаги ходимларга оид нормаларнинг стажёрларга ҳам татбиқ этилишини, иш ўрганиш даврини ҳам иш стажига қўшилишни жорий қилиш суд соҳасидаги юксак кадрларни етиштиришдаги ўрни бекиёс бўлишини тахмин қилиш мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

1. "Apprenticeship indenture". Cambridge University Library Archives (Luard 179/9). March 18, 1642.
2. Adrian Room, "Cash, John (1822–1880)", Oxford Dictionary of National Biography, Oxford University Press, 2004.

3. "Apprentices Act". Archived from the original on 2009-05-07. Retrieved 2009-05-24.
4. "United states department of labor". U.S. Department of Labor..
5. Apprenticeship Training | Directorate General of Training". dgt.gov.in. Archived from the original on October 24, 2016.
6. "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни.
7. "Прокуратура тўғрисида"ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг қонуни.
8. "Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-4818-сонли қарор.